

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



1 АМР 1992
Конунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 27 (2447) 1992 ЙИЛ 5 МАРТ

ПАИШАНБА

НАРХИ:

ОБУНАЧИГА ЗО ТИИИН, СОТУВДА 40 ТИИИН

ЎЗИМИЗНИНГ ҚОНУНЛАРИМИЗ БЎЛСИН

Нече-неча йиллардан бери қуюқ туман орасидаги каби гира-шира кўринаётган орзуларимиз рўёбга чиқиб, мустақилликка эришдик. ССЖИ деб аталмиш мажбурий давлат парчаланиб, бошқа жумҳуриятлар қатори Ўзбекистон ҳам алоҳида давлат сифатида тан олинди.

Секин-асталик билан бўлсада, ҳар соҳада мустақил фикрлашга ўрганилмиз. Шуниси қувончлики, бундан кейин ташқаридан бизга ҳеч ким ақл ўргатолмайди.

Шундай экан, бугунги куннинг ҳар дақиқасидан оқилона фойдаланимизиз, бўшимизга ўнгандан бахт қушини учирив юбормаслик чора-тадбирларини кўришимиз зарур. Бунинг учун энг аввало қонувларимизни ўзимизга мослаб, уларни янгилаб олишимиз керак бўлади. Ҳаммамизга маълумки, илгари қабул қилинган барча қонулар, қонун асосидағи норматив актлар собиқ иттифоқ манфаатидан келиб чиқсан. Уларнинг аксариятида ҳаётимизнинг ижтимоий ўзига хослиги ҳисобга олинмаган. Буга мисол тарнисида жумҳуриятимизнинг 1959 йил 21 май куни қабул қилинганин жиноят маъмусини келтириш мумкин. Бу маъмудадан ўша пайтда иттифоқнинг меъдамина теккак ҳиди анқиб туради. Унга 1987 йилгача киритилган ўзгартиришларда ҳам марказининг таъсирини сезсан киши. Фуқаролик, ер, оила ва никоҳ, маъмурӣ ҳуқуқбузарлик маъмуалари ҳақида ҳам бундан ёқимли-

роқ фикрларни айтуб бўлмайди.

Бугунги кунга келиб ўзбекистон мустақил бўлди. Қачонгача умрини яшаб бўлган иттифоқнинг умри тугаган қонувларига суняномиз? Жумҳуриятимиз Олий Конғашининг навбатдан ташқари тўқизинчи сессиясида бундан бўён Ўзбекистон Жумҳуриятининг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар собиқ ССЖИнинг конституциямиз ва қонувларимизга зид келмайдиган ҳуқуқий меъбларни амал қилаворди, деган қарорга келинди. Менинг фикримча, конституциямиздан тортиб то маъмурӣ ҳуқуқбузарлик қонувларига янгидан ишлаб чиқиш лозим. Бугун қонунни қабул қилиб, орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай ўзгартиришлар наф келтирмайди. Бундай иш услуби фуқаролар онтгига ёмон таъсир қилиди, уларда лоқайдлик ҳиссини шакллантиради. Ваҳланки, Англиянинг 1615 йилги Эркинликнинг буюк хартияси, АҚШнинг 1787 йилги конституцияси, Наполеоннинг 1804 йилги фуқаролик маъмусининг ҳанузгача иштесмоддан чиқарилмаган. Шундан келиб чиқсанда, Ўзбекистоннинг ҳозир тайёрланаётган тўртинчи конституцияси ҳам пишиқ-пухта, узоқ-узоқ давларларга мўлжалантган бўлиши керак. Шундагина бошқа қонулар ҳам фавқулоддаги ўзгартиришларга эҳтиёж сезмайди.

Бугунги кунда эса ҳуқуқий нормалар такомилга ет-

маган. Шу боис қонувларимиз ўртасида зиддиятлар кўзга ташланади. Мисол учун маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мажмуманинг 170-моддаси 2-қисми билан фуқаролик мажмусининг 259-моддасини келтириш мумкин. Уларнинг бирида фуқаролар ўзлари ишлаб чиқармаган товар ёки бошига буомларни шу товарларга қўйилган давлат чакана нархларидан ошича соттанлити учун маъмурӣ жавобгарлик ҳақида сўз борса, бошқасида фуқароларга ўз мулжаларини томонлар келишувига мувофиқ белгиланган нархда сотишга руҳсат этилади, дейилган. Баъзан эса ўзига керак бўлмай қолган мулкни бозорга олиб чиқиб сотаётган фуқарони савдогарлиқда айлаб, жиноят мажмусининг 175-моддаси билан жавобгарликка тортиш ҳоллари учрайди.

Маъмурӣ ҳуқуқбузарлик мажмусининг 169-моддасида колхоз бозорида савдо қоидасини бузганлиги учун маъмурӣ жавобгарлик кўзда тутилган. Ҳозирги бозор иктиносидётига ўтган даврда бу фуқаролар эркинлигини ва уларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан баробардир. ЖМнинг 217, 2171-моддалари ва маъмурӣ ҳуқуқбузарлик мажмусининг 1141, 1142, 1143-моддалари ўртасида ҳам ноницликлар талайгина. Энди бундай ҳолга чек қўйиш керак.

А. САТТОРОВ,
Бахмал тумани ИИБ
бошлиги.

Рустам билан Александр қалин дўст. Бир-бирларининг фикрини кўзларига қараб ўқиб олишади. Иккovi ҳам оиласи. Александр олий маълумотли. Бухорода туғилиб, шу ерда вояга етганлар. Шаҳарнинг ҳар бир кўчаси уларга таниш.

Бир куни иккى дўст инамларга қодирликларини сираб кўришга аҳд қилдилар.

у йиртилган кўйлакларинича бошлади.

Олишувга биринчи бўлиб кўлида пичноқ билан Рустам ташланди.

— Сен мақтандоқни ҳозир сўйиб ташлайман.— дед йигитга хезланди.

Шуҳрат орқага тисарилди. Рустамнинг кўзлари қонга тўлиб тобора яқинлашар, Александр эса киприк

КОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Шомга яқин кўчаларининг бирида шу ҳақда гурунглаби туринган эди, кимнингдир қораси кўриди. У яқинлашгани сарби йигитларниг муштлари туғилиб, юзлари тундлаша бошлади. Тенглашди.

— Сигаретинг борми?

— Иўқ.

Шу пайт ҳе йўқ, бе йўқ Александр унга мушт туширди. Иўловчи кутилмаган зарбдан йиқилди. Рустам қўлидаги соатни ечиб олишта улгурди. Ўрнидан турбиди. Уларга ташланган йигитчани иккى зўравон яна йиқитишди.

— Мард бўлсаларинг, якакама-якка чиқинглар,— деб

коқмай қонли натижани кутарди.

Рустам қаҳр билан отилди. Шу пайт Шуҳрат унинг пичноқ тутган қўлига бир тенди. Пичоқ бир метрча нарига учеб тушди. У енгил сакраб, пичоқни олдида, зўравонларга қаратди. Иккى йигит орқа-олдига қарамай қочишга тутинди.

Шуҳрат уларни йўлда милиция ходимини учратма-гунча таъқиб этди. Зўравонлар қўлга олиниди. Тинтув вақтида Александрнинг уйидан 95 грамм кўкнири тошилди.

Кош қўяман деб, кўз чиқариш шу бўлса керак.

ҚАМАР.

КОТИЛАЛИК

Урганч тумани ҳудудидан бир ҳафта ичидаги иккита мурда топилди. Хабар бир зумда тарқалиб, ҳаммани даҳшатга солиб қўйди.

Туман ИИБ ходимлари кунларни тунларга улаб қотилларни қидирдилар. Сирлар фош этилди.

гандан кейингина бояги қўрқинчили, таҳликали миш-мешларга бироз чек қўйилгандай бўлди.

Ушбу оғир жиноятларниг очилиш тафсилотлари билан рўзномамизнинг учинчи саҳифасида танишасиз.

ҚУЛИДА ПИЧОҚ ЯЛТИРАДИ

— Эй, болакайлар, сигаретдан борми?

— Иўқ.

Нуршод билан Дилмурод болаларга яқинлашишди. Нуршод бирини четга тортиди.

— Кани, курткангни еч, кийиб кўрай.

— Нега кийиб кўраркансан?

— Бўл, гапни кўпайтирма.

— Иўқ.

Нуршод яхши гапга кўнгатсанда Сашанинг ойнинг орқасига судрай бўшлади. Дилмурод иккиси болакайни ура кетишиди. Сашанинг ўртоги буни кўрдию уйига юргуди.

Нуршоднинг қўлида пичноқ ялтиради. Бирок ерда қонга беланиб ётган «ўжар»га тиг билан ҳамма қиммоқчи бўлган пайтида Акмал Икромов тумани ИИБ ходимлари тўхтатиб қолдилар

ЧИДАМ БИЛАН КУЗАТИШДИ

Тунги соат 12 лар. Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари Ҳасан Расулов, Муҳаммаджон Бекмуродовлар Навоий даҳасида айланиб юришганларидан, 25-йи рўпарасида уч киши уймалашиб туринганин кўриб қолишиди. Сездирмай яқинлашишиди. Номаълум кимсалар кимнингдир енгил машинасини «ечинтириши» билан банд эдилар. Милиционерлар яна уларни кузатишни давом эттирилар. Чунки чўчтишиб қўйилса, тунги йиғинига сингиб кетишилари мумкин.

Ниҳоят ўғрилар ечиб олинган эҳтиёт қисмларни кўтариб, 27-йи ертёласига кириб кетдилар. Милиционерлар шундан кейингина уларни қўлга олдилар. Машина эҳтиёт қисмлари эгасига қайтарилди.

Мадамин РАЖАБ ўғли.



БЎЯНАДИГАН ЙИГИТЧА

Георгий 1975 йилда туғилган. Қарши шаҳар билим юртларининг бирида таҳсил олади. Балоғат ёшига етмаганинга карамай суднинг қора курсинида ўтиришига тўғри келган. Иккى йилга шартли кесилган. Аммо қонида бор эканми, яна эгрлиликка жазм этди. Ўтоқлари билан Сергейни-

ХОЛИС ХИЗМАТ

Бугун машиналарнинг нархи осмонда. Лекин шунга яраша ёнилғиси, эҳтиёт қисмлари танқис, қиммат бўлмаса-ку.

Рул бошқаряётгандарнинг эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида жинонӣ тил биринтиришган Асқар ва Сулаймонлар туш

вакти йўл чеккасида турган У. Жумаев машинасини қисмларга бўла бошладилар. Эҳтимол уларни яна ўз эгасига сотиши кўзлашгандир! Бироқ «холис хизмат»га бел боғлаган йигитлар фидирларни ўмарилари билан. Бухоро вилояти ИИБга келтирildilar.

Сулаймоннинг уч, Асқарнинг бир фарзанди, бирининг қўлида электрпайвандчи, иккинчининг курувчи касби бор-у, бўйниларига шайтон миниб олган экан-да.

Турсуной МИНАВВАР қизи.

Тошкент шаҳар Октябр тумани ИИБга қарашли паспорт бўлинмасининг катта назоратчиси милиция майори Тўхтамурод Жўрабеков ролла-роса йигирма етти йилдан бери эл ишига камарбаста бўлиб келаётir. У киши ўз меҳнат фаолияти даврида каттаю кичик ўртасида ҳурмат қозонди, бир қанча шогирдларни тарбиялади.

СУРАТДА: милиция майори Тўхтамурод Жўрабеков ходимлардан Гўзал Яхшибоева ва Муясар Пўлатоловлар билан иш пайтида.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

М. ИСРОИЛОВА.

Алвидо, Раҳматжон!



ги сўзи, сўнгги армони бўғизда қолди Раҳматжоннинг... Бу мудҳиш хабар унинг барча дўстларини, касбдошларини қаттиқ ларзага келтирди. Имонсиз ёвуз қотилни бутун Қўқон аҳли қаргади.

Раҳматжон Миртојиев 1951 йил Фарғона вилоятининг Узбекистон туманинда туғилган. 1974 йил Тошкент давлат чет тиллар институтини аъло баҳолар билан туғаллаган зуқко ва сергайрат бу йигитни таҳдир 1978 йили Қўқон шаҳар иччи ишлар бўлимига етаклаб келди. Уч-тўрт йил мактабда ишлаб тажриба ортирган Раҳматжонни балогатта етмаганлар билан ишлаш бўлимига нозир сифатида ишга олишиди. У 1991 йилдан бери ҳуқуқбузарликкунг олдини олиш бўлинмасининг бошлиғи вазифасида хизмат қилмоқда эди. Минг афсус, совуқ ўлим беш фарзандга меҳрибон ота бўлган оловқалб дўстимизни бевақт орамиздан юлиб кетди. Милиция ходимларининг оғоҳлантиришларига, яхши гап-сўзларига зарра қулоқ солмади. «Мени тинч кўймасаларинг, бола-чаҳарларини қириб ташлайман», — деб пўписа устига пўписалар қилди ҳатто.

Вазият гоят қалтис эди. Жиноятчи ҳеч кимга қулоқ солмасди. Ниҳоят уни бир амаллаб қўлга олиш мақсадида ҳовли милиция ходимлари томонидан ўраб олини. Тезкор гуруҳ раҳбари милиция майори Раҳматжон Миртојиев том орқали жиноятчига яқинлашмоқчи, уни сўнгги карра инсофга чақирмоқчи бўлди. Аммо ногоҳ узилган ўқдан у оғир яраланиб... Сўнг-

Охиратнинг обод бўлсин, Раҳматжон!

Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими жамоаси.

(«Постда» рўзномасининг изходий жамоаси бурчани адо этишда ҳалок бўлган Раҳматжон Миртојиев оиласи аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради).

Кўнгил ёмонда

Меҳнат қилиб, маошиб, ойлигини тежаб-тергаб, машинали бўлишини орзу қилаётгандарни тушиши мумкин.

Аммо ҳеч қаёрга ишлайдиган, боз устига яшаш жойининг ҳам тайини ўқ дайдининг орзусига ўласизми-куясизми? Одамлар йиллаб мақсадини амалга оширолмай хуноб бўлишади. Бироқ бизнинг қаҳрамонимиз Евгений Полетикин айтганини дарров қилидигандардан экан. Чилонзор даҳасида кетаётib эгасиз турган «ГАЗ-24» автомашинасини кўрди-ю, фурсат етганини фахмлади. Шошилмай яқинлашдида, унга ўтириб, ҳайдаб кетди. Лутфий кўчасига етганида ёнилғи тугаб, мотори ўчиб қолди.

Лекин уловга ўрганган одам пиёда юришга, айниқса, югуришга қийналар экан. Акмал Икромов тумани ИИБ ходимлари Евгенийни дарров қўлга туширдилар. Мъалум бўлишича, у аввал ҳам «орзуси» ўйлида умрининг уч йилини қурбон қилган экан.

СадафияЛАТЬЛИ.

Совуқлик қилаверганиндан сўнг вақтинча ота-онасиликка кўчишга мажбур бўлган Мирсаиднинг ўйидан кўнгли тўқ эди. Ижарада турган икки хонали уйнинг бирида лаш-лушлари, иккичисида пиёзлари тўқийиб ётарди.

Ёзи билан тер тўкиб, ўзи учун ортиргани шу пиёзлар бўлиб, сотсам бирор кемтигимни ямар, деган ўйда юарди. Бироқ 12 февраль куни уйига келди-ю, ранглари оқариб кетди. Пиёз пўчоқларигина хонанинг юзида сочилиб қолган. Номард бирор донасини ҳам қолдирмай ташиб кетибди-я.

Мирсаид қўни-қўшила-

Аслида ҳаммасига ҳисстайгулар айборд эди. Анжела анчадан бери турмуш ўртоғи Тимофеядан гумонсираб юарди. Бора-бора рашик ўти оловланиб, кунда, кунора жонжаллашадиган бўлди. Кейин эса Тимофеининг ҳар бир қадамини тергашга ўтди. Ўртадаги ишонч бўғдай ўқолиб, орада темир девор юксала бошлади.

Эҳтимол ўша машъум кунда Тимофеий ўйидан кўчага чиқмаганида, бундай бўлариди, ўқумиди! Аммо бир томондан ўртогининг қистови бўлса, иккичи томондан оз-моз кўнглини ёзиб келиш истаги уни кўчага отлантириди. Анжела эса буни ўзича тушунди.

Янги йил байрамини ҳам жазмани билан кутишга қарор қилди-я, деган ўйда ичтини еди. Чидай олмади.



Калинин тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлнида ўз касбини ардоқлаган ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг тиришқоқлиги, ҳушёрлиги оқибатида бўлса керак, қўриқланадиган объектларда 1984 йилдан бўён бирон марта ўғирлик содир этилмаган.

СУРАТЛАРДА: (чандан) навбатчи Мансур Раимжонов, 22 йилдан бўён ички ишларда хизмат қилиб келаётган, соқчилик пункти бошлиғи милиция капитани Тоҳир Маҳамадбеков ва милиция катта сержантни Бекпўлат Жузбоевлар пульт ёнида.

Ҳар қандай чакириқча шай туриди бу машиналар.



Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.

Кўзи очилармикан?

ридан сўраб-суриштириди. Уларнинг гапларига қараганда, бу ижарага берган ўй эгасининг фарзанди Баҳодирнинг иши бўлиши кепди. Мирсаид гумони Баҳодирда эканлигини айтди. Аммо у онт ичиб, пиёзга қўлини теккизмаганлигини галирди.

Мирсаиднинг милицияга хабар беришдан бошقا чораси қолмади. Шу пайттана ҳар ҳолда ўша оиласа ишончни ташиб кетди. Пиёз бошлиғи тегишили хулоса чиқариш ўрнига яна жиноятга қўл урган.

Тўртингчиси унинг кўзини очармикан ёки бешинчиси учун туртки берармичан-а?

Нур БАДИА.

РАШК

Эрининг орқасидан Викторнинг уйига борди. Мезбонларнинг мулозаматига қарамай Тимофеяга ёпишиб кетди.

— Мени алдай олмайсан. Биламан бу ерга нима учун келганингни. Ўша шаллақини деб келгансан. Мен сенга кўрсатиб қўяман ҳали. Ўй эгалари уни тинчтишига урининди. Тушунтириди. Бир оз ҳовуридан тушган Анжела эри билан уйга жўнади. Сўнгра орадан бир неча соат ўтиб, эру хотин бермага отланшиди.

Тимофеий ишларини тезда саранжомлаб, яна ўртогинига қайтиди. У Викторнида фермадаги жан-

жал авжига чиқанди.

Анжела ишга келган Нинага чанг сола кетди. Аввал Нина ҳимояга ўтди. Анжела қўлидаги таёб билан уни бир неча бор ургач, жон ачичигида рақибининг қўлидаги таёни тортиб олиб, ўзини ура бошлади. Сўнгра қўл жанги бошланди. Ҳамма ёкини чинқириқ тутди. Аёллар бир-бирларининг сочларидан чангллаганча ерга йикилдилар. Ерда ҳам бир оз мушталишиб, ўзаро ҳақоратларга қўмилишгач, салжонни бўшаштиридилар. Анжела ўрнидан туаркан, Нинага ҳали кўрсатиб қўйиншини қайта-қайта тайнлади, уйига жўнади.

«УЧИНЧИ» ТИЛНИ ҚЎЛЛАЯПМИЗ

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ташкил этилгач, туман ИИБ тергов бўлинмалари бирлаштирилиб, бўлим бўлди. Бу ўз навбатида қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Бўлинмалар, бўлим бошиллари ҳам тергов жараёнида бевосита қатнашадилар. Шу ўринда назорат-методик бўлинма терговчиларига эҳтиёж сезилади. Шундай бўлинма тузилиб, унга 2 ходим (терговчи) ажратилса, ишмизни бирмунча енгиллаштиради.

Маълумки, шаҳримизга кўпилад чет эллик сайдёллар ташриф буюришади. Тан олиш керакки, улар билан ишловчи етакчи мутахассисларимиз деярли йўқ ҳисобида.

Масалан, сайдёл учун олдидан пули ёки буюми йўқолганини сезади. Милиция ходими баъзан ариза ёздириб олишга улгурмасдан қақшаган мөхмон кетади-қолади. Жабрланувчидан даъво йўқми, вассалом, иш тўхтатилади. Чунки бизда чет эл билан керак бўлган вақтда бемалол алоқа қилиб сўраб-суриштириш, айрим тушунмовчиликларни аниқлаш имкони йўқ.

Давлатимиз мустақилликка эришганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ давлат тили қабул қилинганига анча бўлди-ку. Ҳуқуқий атамалар, суд, тергов жараёни, суд-тиббий экспертизаси хулосаларида чалкашликлар, айрим сўзлар таржима қилинмаганлиги сабаби ҳужжатлар тузида «учинчи» тилин қўллашга мажбур бўляпмиз.

Воқеа жойига тафсилатарни тиклаш учун терговчи, эксперт, жабрланувчи, иккичи сочи кузатувида айбордни олиб боришига тўғри келса, нима қилишини билмай бошинг қотади. Шу боис, албатта, тергов бўлимига жиҳозлацган «РАФ» автомашинаси зарур.

Мустақил Ўзбекистон милицияси ҳақидаги (эҳтимол бошқача номланар) қонуни ҳам янги мазмунда қабул қилсанак. Бироқ бўлмасди.

М. ЖУРАҚУЛОВ, Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармасининг бошлиқ ўринбосар милиция подполковники.

Эртаси куни Викторнинг ўйидан қайтан Тимофеий хотини сирка ичиб қўйиб, салхонада ётганини билди.

Сур-сур бошланди. Тимофеий ҳам, Нина ҳам терговга чакирилди. Бир неча кун ўтиб Анжела ҳаётдан кўз юмди.

Нина эса ҳибса олинди. Лекин суд-тиббий экспертизаси Анжеланинг ўзимлиги сирка ичган туфайли бўлганини аниқлади. Бироқ Нинанинг шу давр ичидаги бўларни бўлганди.

Анжела кўзига ўлди-кетди. Маломатга қолган Тимофеий билан Нина бўлди. Аммо уларнинг ҳеч бирини хиёнатда айблашнинг ҳам, жазолашнинг ҳам иложи йўқ. Ҳозир бу нарсалар «иқир-чикирлар» хисобланади. Иқир-чикирларга эса «ақлли» одамлар аҳамият бермайдилар.

М. ИБРОХИМОВА.

УЛАР Э СЕВИШГАН ЭДИЛАР

Шу йилнинг 17 январь куни эрталаб соат ўнларда Урганч тумани ИИБ навбатчилик қисмига кўнгироқ бўлди.

— Тезда Карл Марксномли жамоа хўжалиги сут-товар фермасига етиб келинглар,— деган овоз келди телефон дастасидан.— Хашаклар гарами остидан номаълум аёлнинг мурдаси чиқди!

Участка вакили милиция лейтенанти Ҳайитбой Рўзметов, катта участка вакили милиция майори Иноят Алланазаров, ЖКБ катта оператив вакили милиция капитанни Мадамин Очилов, милиция катта лейтенанти Қадам Оллоберганов, ЖКБ бошлиғи милиция катта лейтенанти Бахтиёр Кутимовлар ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитанни Комил Юсупов раҳбарлигидаги воқеа жойига етиб бориши.

— Фермага ишга юбориш ганди,— дейди жамоа хўжалиги аъзоси Мұхаббат Ражабова.— Гарамлаб қўйилган дағал хашаклар орасидан одам оёқларини кўриб қолдим. Кўрқанимдан додлаб юбордим. У чириб кетган эди.

Ха, унинг шахсими аниқлаш фоят қийин кечди. Бу ҳақда маҳаллий аҳолига мурожаат қилинди. Ва шу тарпи майлум бўлдики, Ҳолжон Жуманиёзова эндигина йигирма баҳорни қаршилаган пайтида номаълум ваҳшаййнинг қонсираган чангалида жон таслим қилган. Лекин уша, ваҳший ким ва нима сабабдан бечора қизиганинг азиз умрига тажовуз қилди, қолаверса, жасад нима учун айнан фермага — хашаклар орасига беркитилди. Оператив-тергов гурухи аъзолари ана шу саволларга жавоб топшига мажбур эдилар.

Дастлабки суринтирувлар жараённинг шу нарса майлум бўлдики, марҳума ўтган йил 29 сентябрь куни уйидан чиқиб кетган-у, қайтиб бормаган. Ҳайратланарлиси шундаки, но маълум рашвыда йўқ бўлган қизнинг тақдирни нафақат ўзгапарни, балки ота-оналарини ҳам бозовталантиргаган. Бу ҳақда

хеч ким ҳеч қаерга мурожаат қилмаган. Гўёки ҳеч нарса бўлмагандек. Унинг туғишгандар: «Холжон бирортасига турмушга чиқиб кетгандир, деб ўладик», — деган баҳонани рўкач қилиш билан чекландилар. Мана, ҳозирги шароитда баъзи оиласлардаги меҳр-оқибатнинг баҳоси!..

Тунги соат 12. Туман ИИБ бошлиғи Бахтиёр Кутимов ишхонасида хорғин ўтириди. Қолаверса, бугунги амалга оширилган ишлар ҳеч нарса бермади. Шундан кўнгли ғаш. Табиийки, ҳар қандай бўйи етган қизнинг ҳеч бўлмаса битта сирдош дугонаси бўлади. Эртаси эрталаб Ҳолжоннинг яқин ўртоқларини суришириб топиш ва обдон мулоқот қилиш керак. Бахтиёр Кутимов ана шу қарорга келди уйига жўнади.

Эртаси куни марҳуманинг яқин дугоналаридан бири у Я. исмли йигит билан ишқий алоқа боғлаганини, хилват жойларда тез-тез хуфёна учрашиб туғишгандарини айтиб берди. Аммо Ҳоразм муллымлар тайёрлаш олий билимгоҳи толиби бўлган Я. дастлаб буни зинҳор бўйнига олгиси келмади. Аммо аниқ далиллар ва тирик гувоҳлар кўрсатмалари унинг қайсараги асоссиз эканлигини кўрсатди. Ҳатто ўша машъум 29 сентябрь куни уларни бирга кўрган, кейинчалик қиз сирли равишда ғойиб бўлганинг тасдиқловчилар топилди.

...Улар ўрта мактабда бир синфда таҳсил олишган. Бир-бира гўнгил қўйишган. Ёшлик-бебошлиқ, деганларича бор экан. Бир-бира гўнгил интиқлилар билан талпинувчи ёш юраклар бора-бора жинсий алоқага майиллик билдири. Ва шу ҳатти-ҳаракатлар натижасини яшириши қиз ожизлик қилиб қолди.

Бора-бора негадир Я. ўзини ўндан олиб қочадиган бўлди. Ўқиши кучайиб кетгандарда, деб қиз ўзига таскин берарди. Аммо Я. бошқа бир қизга ўланяпти экан, деган гапни топилса.

Қадам отанинг оила аъзолари Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи қизлари Гулноранинига бормоқчи бўлиб машинага қишишаётгандан, отанинг мақсади ўзгариб қолди.

— Гулнорага саломимни айтинглар, мен бу сафар боролмайман.

Аммо у бўғзидагини айтиб ўлгурмасдан катта ўғли Қаҳрамон маст ҳолда кириб келди.

— Ҳа, йўл бўлсан, чол, сен ҳам кетяпсанми! — деб сўради ва муштими дўлайтириб отаси томон юра бошлади.

Қария эса кўрқанидан ранги девор туисига кириб, ортига тислана бошлади.

Кичик ўғил Комил машинадан сакраб тушди.

— Ака, ётиб дамингизни олсангиз бўларди, — деди ялиннамо.

Аммо акаси уни кўкрагидан итариб юборди.

— Бор, менга ақл ўргатма! Комил беихтиёр машинага чиқиб, рулга ўтириди. Уловни шах томонига шиндат билан ҳайдади. Йўлда кетаркан: «Акам отами яна дўппослаётгандир, ишқилиб бир нарса қилиб қўймаснда, бугун ва жоҳати жуда ёмон», — деб ўйларди.

Машинадагиларни манзилга етказиб борди-ю, ичкарига қадам ҳам қўймади. Ортига қараб елдек учди. Етиб келини ўзини ўйга урди. Ҳайрят, вактида улгурнибди. Акаси отасини бўғар, тинмай сўнинар, чол бечора эса хириллаганча то-

бора дармонсизланиб борарди.

— Ака, ўзингизнинг отанизку, қўйворинг! — деб нола қилганча Комил Қаҳрамонга ёниши.

Аммо акаси унга қараганда ача-мунча бақувват эди, кўкрагидан тепки еб, ағдарнишиб тушди. Ўрнидан турб яна ажратмоқчи бўлди. Яна кетмакет зарбаларга дуч келди. Ота эса тобора ҳолсизланиб борарди. Фурсат ғанимат. Ҳадемай падари бузруквori мангу ўйқуға кетиши мумкин...

Комил ноилож узун темир билан акасининг бошига тушиди. Шундан кейингина зўравон ҳудди дарахт қулагандай гурсилаб.

— Нима қилиб қўйдинг, болам, энди сени қамашади, — деди чоғи Комил тутган сувни ҳўплаб ўзига келгач.

— Бошқа иложим қолмади, — деди ўғли титраб.

Чиндан ҳам бошқа иложи ўқ эди. Иккевон биргаплашиб мурдани ечинтиришди, одеялга ўраб, даврон қаҳалига олиб бориб ташлаши.

Шу йилнинг 20 январь куни туман ИИБга ана шу жасад ҳақида хабар қилишди. Бу сафар

эшитдию дунё кўзига қоронғу кўринди. Энди у ични кемираётган илон ҳақида бировга оғиз очолмай ўз ёғига ўзи ковриларди.

Ниҳоят, 29 сентябрь куни яни кўчада учратиб қолди Қақириб тўхтатди.

— Сенга зарур гапим бор, — деди кўзларини ерга қадаб.

— Эшитаман, гапиравер.

— Бу ерда айтолмайман, хилватроқ жойга бораийлик.

Улар дала йўли бўйлаб суттовор фермаси ёнига келишди. Атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, бир-бирларининг оғушига отилдилар. Бўсалар бўсаларга уланди. Ҳатто яна бир марта жинсий алоқа қилишга ҳам улгурдилар.

— Гапир, нима демоқчийдинг? — деб сўради йигит ҳарсиллаб нафас олган кўйи.

— Уйланяпсан эмиш, ростмий!

— ...

— Билиб қўй, менга уйланишинг керак. Чунки...

Бу гап йигитнинг ҳамиятига тегди. У. айниқса, қиз боладан бўйруқ эшитишга ўрганмаданди. Қолаверса, тўғри, шу пайтагча эр-хотин каби алоқада бўйли келишди, аммо Ҳолжон бошқалар билан ҳам шундай қилиб юрган бўлиши мумкин! Яхшиси, уни бир кўрқитиб қўйгани маъқул. Токи бошқа осилиб юрмасин.

Я. қизни йиқитиб, көрнига тела бошлади. Аёвсиз тела бошлади. Кейин йигисини бирор эшитмасин деган мақсадда бўға бошлади. Ҳатто рўмолини ечиб олиб, бир пайтлар ўзи ҳирс билан бўса олган чироили бўйнига оғулаб бўғди. Қиз бир неча муддат хириллаб хириллаб нафас олдида, тинч қолди.

Я. унинг бир умр овози ўчганига ишонч ҳосил қилгач, ферма пахса деворининг қулаган жойидан ичкарига судраб кирди ва хашаклар билан кўмид ташлади. Оёқ кийимларини эса отиб юборди.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар утаверди.

Ниҳоят Я. уйланадиган кун ҳам етиб келди. Бахт кечаси унинг учун ҳақиқий бахт кечаси бўлдими ёки Ҳолжоннинг арвоҳи халақит бердими — бу ҳозирча яратганинг ўзигаю Я. га аён. Ажаб эмас, тергов якунинг қадар бу саволга ҳам жавоб топилса.

Я. унинг бир умр овози ўчганига ишонч ҳосил қилгач, ферма пахса деворининг қулаган жойидан ичкарига судраб кирди ва хашаклар билан кўмид ташлади. Оёқ кийимларини эса отиб юборди.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар утаверди.

Ниҳоят Я. уйланадиган кун ҳам етиб келди. Бахт кечаси унинг учун ҳақиқий бахт кечаси бўлдими ёки Ҳолжоннинг арвоҳи халақит бердими — бу ҳозирча яратганинг ўзигаю Я. га аён. Ажаб эмас, тергов якунинг қадар бу саволга ҳам жавоб топилса.

Я. унинг бир умр овози ўчганига ишонч ҳосил қилгач, ферма пахса деворининг қулаган жойидан ичкарига судраб кирди ва хашаклар билан кўмид ташлади. Оёқ кийимларини эса отиб юборди.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар утаверди.

Ниҳоят Я. уйланадиган кун ҳам етиб келди. Бахт кечаси унинг учун ҳақиқий бахт кечаси бўлдими ёки Ҳолжоннинг арвоҳи халақит бердими — бу ҳозирча яратганинг ўзигаю Я. га аён. Ажаб эмас, тергов якунинг қадар бу саволга ҳам жавоб топилса.

Я. унинг бир умр овози ўчганига ишонч ҳосил қилгач, ферма пахса деворининг қулаган жойидан ичкарига судраб кирди ва хашаклар билан кўмид ташлади. Оёқ кийимларини эса отиб юборди.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар утаверди.

Ниҳоят Я. уйланадиган кун ҳам етиб келди. Бахт кечаси унинг учун ҳақиқий бахт кечаси бўлдими ёки Ҳолжоннинг арвоҳи халақит бердими — бу ҳозирча яратганинг ўзигаю Я. га аён. Ажаб эмас, тергов якунинг қадар бу саволга ҳам жавоб топилса.

Я. унинг бир умр овози ўчганига ишонч ҳосил қилгач, ферма пахса деворининг қулаган жойидан ичкарига судраб кирди ва хашаклар билан кўмид ташлади. Оёқ кийимларини эса отиб юборди.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар утаверди.

Ниҳоят Я. уйланадиган кун ҳам етиб келди. Бахт кечаси унинг учун ҳақиқий бахт кечаси бўлдими ёки Ҳолжоннинг арвоҳи халақит бердими — бу ҳозирча яратганинг ўзигаю Я. га аён. Ажаб эмас, тергов якунинг қадар бу саволга ҳам жавоб топилса.

Я. унинг бир умр овози ўчганига ишонч ҳосил қилгач, ферма пахса деворининг қулаган жойидан ичкарига судраб кирди ва хашаклар билан кўмид ташлади. Оёқ кийимларини эса отиб юборди.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар утаверди.

Ниҳоят Я. уйланадиган кун ҳам етиб келди. Бахт кечаси унинг учун ҳақиқий бахт кечаси бўлдими ёки Ҳолжоннинг арвоҳи халақит бердими — бу ҳозирча яратганинг ўзигаю Я. га аён. Ажаб эмас, тергов якунинг қадар бу саволга ҳам жавоб топилса.

Я. унинг бир умр овози ўчганига ишонч ҳосил қилгач, ферма пахса деворининг қулаган жойидан ичкарига судраб кирди ва хашаклар билан кўмид ташлади. Оёқ кийимларини эса отиб юборди.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар утаверди.

Ниҳоят Я. уйланадиган кун ҳам етиб келди. Бахт кечаси унинг учун ҳақиқий бахт кечаси бўлдими ёки Ҳолжоннинг арвоҳи халақит бердими — бу ҳозирча яратганинг ўзигаю Я. га аён. Ажаб эмас, тергов якунинг қадар бу саволга ҳам жавоб топилса.

Я. унинг бир умр овози ўчганига ишонч ҳосил қилгач, ферма пахса деворининг

Ишончимиз комилки, ҳар бирингиз «Постда» саҳифаларида милиция майори Акрамжон Умаров қаламига мансуб мақола ва хабарларни кўп ўқигансиз. У киши рўзномамиз қайтадан ташкил этилибди, фаол жамоатчи мухбиримиз сифатида фаолият кўрсатиб келишганди. Бувайди тумани тинчлик посбонлари амалга ошираётган ибратли ишлар ҳақида маълумот беришга, илғор тажрибаларни тезроқ оммалаштиришга ҳаракат қилишади.

Аммо у киши тажрибали участка вакили сифатида ҳам бошқа ҳамкасларига ўнрак кўрсатяпти, десак ишонаверинг.

ИШОНЧНИНГ ТУФИЛИШИ

Акрамжон ака билан бироз дилдан чиқарип сұхбатлашсангиз, оз эмас, кўп эмас — 20 йилдан бери шу касбда бекиз ишлаб келмаётганига инонасиз. Албатта, эришган ютуқлари ўз ишига бўлган меҳри, чексиз садоқати туфайли. Буни инкор қўймаймиз. Аммо Акрам ака хонаондига бўлганимиздан сўнг ўша ютуқлар оиласидаги аҳилликка ҳам боғлиқ экан, деган фикрга келдик.

Милиционер ҳаёти қандайлиги Акрам аканинг во- лидаи муҳтарамалари Эрғашбувига ҳам, рафиқалари Маърифатхонга ҳам бегона эмас. Яхши билишади. «Ингирма йилдирки, у осто- надан чиқиб кетаёттанди оқ йўл тилаб, дуо қилиб қоламан,— дейди онаизор.— Тонги тўрт-бешга қадар тиқ этса, эшикка қараб бедор ўтирган кечаларим кўп бўлган».

«У кишининг ишларини яхши тушунаман. Ҳатто бир-инки кунлаб кўришмаган пайтларимиз ҳам бўлган. Худога шукрки, соғомон кириб келадилар. Шундай бўлсада, ҳозир ҳам оз- гина кечисалар, юрак ҳо- вучлаб ўтираман»,— дейди

рафиқаси.

Мана бу гапларни эса онаизор ҳам, умр йўлдоши ҳам таъкидладилар. Акрам Умаровнинг иши бошидан ошиб ётиби, касби тоят бе- ҳаловат. Шундай бўлсада, фарзанд тарбиясига доимо вакт топади.

Қаҳрамонимиз хизмат қилаётган участкадаги ҳаёт ҳам шунга монанд.

— Кўргонобод ва Янгиқадам қишлоқ Кенгашлари ҳудудига тайинланганимдан сўнг бир фикр тинчлик бермай ёйди,— дейди Акрам ака.— Нима учун ҳаёт ва милиция ўртасида қандайдир келишмовчил, ишонч- сизлик бор? Нима учун оддий фуқаролар милиционер билан ёқтиримайгина кўришишади? Нимага бизнинг сийомомизда ўз ҳузур-ҳаловатлари қўриқчиларини кўришмайди?

Ўртадаги ишончни тиклаш учун у биринчи қадамни қўйди. Ўз ҳудудидаги аҳоли уловларининг 80 фойзида давлат раҳами йўклигини, 90 фойз ҳаваскор ҳайдовчилар эса гувоҳномасизлигини аниқлади. Нима қилиш керак? Ҳадеб уларни тўхтатиб, жарима соловер-



гандан наф йўқ. Ундан кўра кўпчиликка қулай жойда гувоҳнома олиш учун ўқув ташкил этилса бўлмайдими? Бўлар экан, иккита гурӯҳ очилди. Бирни Янгиқадам, иккичинчи Кўргонободда. Кўрибисизки, қулайлик яратилгач, 60 нафар ҳайдовчи гувоҳномали бўлди.

Участкада жиноятичилек тартиббузарликлар кама- йишининг яна бир сабаби — вакилнинг маҳалла-кўйга, жамоатчиликка кенг таянаётгани билан боғлиқ. Ҳар қандай жаримадан жамоатчилик иззаси таъсирироқ экан. Оқтепа, Хонобод, Қирғизқўронча, Кўргонобод маҳалла қўмиталарининг раислари Фаниқўзи Мадаминов, Мелиқўзи Умаров, Маманазар Имомов, Бойқўзи Умрзоқовлар ҳамкорлигига участка вакили ана шу фикрга келди.

Милиция майорининг ҳар хил маросимларда маҳалла-кўйдагилар билан ёнма-ён туриши ҳам кўпчиликнинг ётиборидан четда қолмади.

Ва шу тариқа одамлар қа- чон бўлмасин, тортинмай дардини унга тўкиб соли- шади. Бу ерда ҳаёт ва ми- лиция ўртасидаги кўзга кў- ринмас, аммо мустаҳкам де- ворга дарз кетди.

Ҳа, айтмоқчи, Акрамжон Умаров бундан йигирма йил муқаддам Кўқон шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлмида иш бошлаганида, Мўминжон Дехқонов, Михаил Шиндин, кейинчалик Бувайдада ми- лиция полковники Соликон Абдулхомидов, милиция под- полковники Мунавваржон Саминжоновлар унга устозлил қилишганди. Акрамжон ҳозиргача уларнинг ишончи- ни оқлаб келяпти, бундан кейин ҳам шундай бўлди.

Отабек РАҲМОНОВ,
вилоятдаги «Олтин во-
дий» рўзномаси мух-
бира.

СУРАТДА: Акрамжон Умаров ҳар куни ишга от- ланганида умр йўлдоши Маърифатхон ана шундай кузатиб қолади.
Ғуломжон УБАИДУЛЛАЕВ олган сурат.

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

БЕТГА АЙТСАНГ

ушлаб турган аёлга кўзим тушди. Бу ўша автобусдаги ҳайдовчилар чўнтағини қап- пайтирганларича гаражга киришмайди, деган аёл эди.

Ўзи эса 7 сўмлик пай- поининг ҳар жуфтини 30 сўмдан пуллаётганди.

У кўзимни узолмаганимдан ҳадисирадими, чўчи- гина сўради.

— Нета мунча тикилиб қолдингиз?

— Кечирасиз, автобус- даги тапингизни эслаб, ўй-

ланив турибман.

— Қайси гапим?

Мен унга өслатдим.

— Улар чўнтағини қап- пайтираётган бўлсада, фой- дали иш қиладилар. Сизга ўшшаган холаларни ўз жойларига элтиб қўйиншади. Сиз-чи, сиз. Жон куй- дидириб ҳалқни алдаб, еб ётибсиз.

Чайқовчи хотининг ав- зойи ўзтариб кетди. Ўша пайтда милиция ходими бўлмаганимга афсусланди.

Э. МУҲИТДИНОВА.

ҚИСҚА СУҲБАТ

— Муаммолар ҳам учраб турса керак?

— Ишимиз вақт танла- майди. Гоҳо уйқу оромдан воз кечиб, ярим тунда ҳам «ов»га чиқишга тўғри кела- ди. Энг ачинарлиси, қўли- мизда замонавий жиҳозлар етишмайди. Баъзан иш жу- да тигиз, бош қашишга вақт йўқ, айрим пайтларда улов бўлмай қолади. Еки ёнилги етишмайди. Аммо шунга қа- рамасдан имкони борича ҳа- ракат қилиб, ташмачилик- нинг пайин қирғишига инти- лаяпмиз.

Суҳбатдош Аинорбай НОР- КУЛОВ.

ОМАДИ ЧОПМАДИ

Ботиали Шоназаров кўп- гина ҳамкаслари қатори Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводида тинчгина ишлаб юрганди. Обрў-эътибори жойида эди. Ишхонасида ҳам, истиқомат қилаётган Абдулла Қаҳдор кўчасидаги 2-ёткочонада ҳам ҳурматини жойига қўйишади. Энди ҳаммаси ши- рири туш каби хотирага ай- ланди.

У Андижондаги марказий кўпмомли дўкондан «Сувенирные» деган карталарни З сўм 15 тийиндан 60 қу- тисини сотиб олиб, Тошкентдаги Чорсу бозорида 6 сўм- дан пулламоқчи бўлди. Шу пайт иш чапасига айланаб кетди. Қўлга тушиб қолди.

Октябрь тумани ҳаёт су- ди эгри йўл билан даромад тошиши ният қилган йигитни ЖМнинг 175-моддаси 1-қисми билан айбдор ҳисоб- лади, З минг сўмлик жарима билан «сийлади».

Кўп ейман деб оздан қо- либди, деганлари шу бўлса керакда.

Махкам ҲАКИМОВ.

ҚИНГИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

Ҳўжаобод-Ўш йўлида «ВАЗ-21063» белгили Г 87 38 ОШ рақамли енгил автомашина елдек учуб борарди. Тўраобод қишлоғидаги бекатга етганда, фалокат рўй берди. Шу ерда автобус кутиб турган Турсунбай Бобораҳимов ўша ма- шина гидриаклари остида қолди.

Агар Ўш шаҳридаги 1 Май кўчасининг 55-йида истиқомат қилувчи Суҳба- тилло Ниёзов кўксидаги виж- дон бўлганида, у паства тушиб, жабрланувчига ёрдам кўрсатган бўларди. Аммо бундай қилмади. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан қуво- нив, тезликни ошири.

Эҳтимол, жиноятига ҳеч ким гувоҳ бўлолмаслиги қувонгандир, эҳтимол милиция сержантлари А. Шо- киров, О. Миркомилов, Қ. Тожибоевлар бир неча кун- лаб ором нималигини бут- кул унундилар. Бирор иш чиқавермагач, Ўш вилояти- даги ҳамкасларидан ёр- дам сўрашиди.

Кўпдан қуёни қочиб қу- тулмас, деганлари тўғри экан. Воқеанинг учинчи ку- ни қочоқ ҳайдовчи қўлга олиниди. У жиноятига ҳаш- манинг урилган жойлари- ни тўғрилатиб, бўяб олган, фақатгина синган ойнани янгилашга ултурмаган экан.

Азизхон БУЗРУКОВ,
Ҳўжаобод тумани.

ТУЗОҚДАГИ ТАШМАЧИЛАР

ГУЛИСТОН ШАҲАР ИИБ ҚОШИДАГИ ҚУРИҚ-
ЛАШ БУЛИМИ НАЗОРАТЧИСИ Т. ТУГОНОВ БИ-
ЛАН СУҲБАТ

48, ёр-экстракция заводида 45, тиқувчилик фабрикасида эса 46 марта ташмачилик содир бўлганлиги қайд этилди.

— Қўпчиликни ўғрилик устида қўлга тушган кимса- ларнинг қандай жазо олиши ҳам қизинтиради.

— Улар тегишли жазола- рини олишиади. Агар қалтис-

ишта илк бора қўл урилган бўлса, жиддий огоҳлантира- миз. Аммо бу ҳол иккичи бор содир этилса, катта миғдорда жарима тўланади. Агар қўли эгри шахс бун- дан ҳам тегиши холоса чи- қармасдан имкони борича ҳа- ракат қилиб, ташмачилик- нинг пайин қирғишига инти- лаяпмиз.

Суҳбатдош Аинорбай НОР- КУЛОВ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

Ўзбекистон Жумҳуриятини «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома оғсет усулида, А-3 қолипида босилган.

Босмага бериш вақти 18.00. Босмага берилиди 17.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, 59-20-92, умумий бўлими — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

43920 нусхада чоп этилди.

* Кўчириб босишида «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Маҳолада келтирилган рақам- лар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шу- нингдек, очиқ эълон қилинни мумкин бўлма- ган маълумотлар учун муаллиф жавобар ҳи- собланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳрири- ят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлзма- лар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Буюртма — № Г—39.